



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

BUYRUG‘I

2019 yil “18” 04 315 -son

Toshkent sh.

Вазирликнинг 2019 йил 13 апрелдаги
338 - сонли буйруғи ижросини
таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон
Фармони ижроси тўғрисида”ги 338-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги
“2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5707-сон Фармони
раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўқув ва тарбиявий ишлар буйича проректор З.А.Юлдашев ҳамда
ишлар бошқармаси бошилиғи Ш.Собировларга:

2.1. Институт эҳтиёжлари учун олиб келинадиган аптека ичида дори
тайёрлаш мақсадида олиб кириладиган , Ўзбекистон Республикасида ишлаб
чиқарилмайдиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва
эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ишлаб чиқариш бинолари учун “тоза хоналар”,
сандвич панеллар ва вентиляция тизимлари, шунингдек, лаборатория
хайвонларини боқиш, клиник-олди тадқиқотлар ва дори воситалари ишлаб
чиқариш (шу жумладан аптека ичида тайёрлаш) учун ишлатиладиган хом ашё ва

5

материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоқлаш материаллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувчи йиғимлардан ташқари) озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2.2. Фармацевтика технопарки, унинг ҳудудида фармацевтика соҳаси мутахассисларини тайёрлаш учун етакчи хорижий олий ўқув юртининг филиалини жойлаштириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига таклиф берилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 13 апрелдаги 338-сонли буйруғи.

Ректор

И.И.Алимджанов

ASLIGA TO'G'RI

